

Т.ЖУМАМУРАТОВНИНГ «ОТАШИН КУНЛАРДА» ПОЭМАСИДА БАДИЙ ОБРАЗ



SCIENCE BOX

Ктайбекова З. К.

Ажиниёз номидаги НДПИ Қорақалпоқ адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, филологи фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация.

Мақолада қорақалпоқ поэмасида бадий образ яратиш масаласи талқин қилинган. Таниқли шоир Т.Жумамуратовнинг “Оташин кунларда” асари мисолида ўрганилган. Поэмада қорақалпоқ йигити Аяпнинг жасурлиги, ватанига садоқати, рус қизи Мариянинг ёру-дўстларига садоқати, муҳаббатда вафодорлиги, инсонийлик фазилатлари, шунингдек, қардош халқ аскар йигитларининг ҳам ватан ҳимоясидаги мардлигининг ифодаланиши таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қорақалпоқ адабиёти, поэма, образ, портрет, персонаж, эпизод, мотив.

Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги давлат мукофоти лауреати, таниқли сўз адиби Т. Жумамуратов ижодида эпик поэзияси алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир XX аср қорақалпоқ адабиётини «Оғайни икки ботир», «Ҳосиятли гавҳар тош», «Оташин кунларда», «Кийикнинг икки ўлоғи», «Бола ҳақида сўз», «Онанинг кўнгли болада», «Макарья сулув» каби поэма, дostonлари билан жанрий жиҳатдан бойитган. Айниқса, поэмалари ғоявий-тематик ва бадиий жиҳатдан рангбаранглиги билан ажралиб туради. Поэмалари орасида «Оташин кунларда» асари инсон тақдирини тасвирлашда, одамлар орасидаги меҳр-оқибатни ифодалашда ўзгаша аҳамият касб этади. Асарда иккинчи жаҳон уруши давридаги бир қорақалпоқ аскарининг аянчли тақдири, бошидан кечган оғир кечинмалари сўз қилинади. Шўнингдек, поэмада рус қизи – Мариянинг образи алоҳида бадиий маҳорат билан таърифланган. Ўрмонда душман йўлини тўсиб йўрган икки қариянинг Мария билан учрашуви ва унинг портрети қўйидагича ифодаланган:

Уларнинг ҳам кўзи кўрди.

Ўтирибди битта қиз шу,

Тўрт - беш одам яқин борди:

Яхшимисиз? – деб, – Мария жон –ов?...

Ўрта бўйли, кенг пешона,

Сулув кўзлар мўлтирайди,

Ҳаёл вазни босган жондек,

Ҳаёл қуши элпирайди.

Онасининг вафот этгани,

Йўрагига ёмон ботди,

Душманга ортса кучли гинаси,

Дўстга ортди муҳаббати.[1.41]

Поэмада уруш йилларидаги ҳаётнинг оғир, мушқил ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган анча хотин-қизларнинг исми Мария билан биргаликда умумий режада персонажлар сифатида таъкидлаб ўтилади. Масалан:

Семен, – деди қўшни хотин

Кларами йиғлаб турган?

Шу - ку, Катя чақириб кел,

Ота - онаси бўлган қурбон.

Энди бошқа кутмай жавоб,
Олиб келди Кларани.
Овқат бериб алдаб – жулдаб,
Кутди етим бечорани. [1.60]

Т. Жумамуратов асарларининг бадиий хусусияти ҳақида таниқли олим М.Жумамуратова қўйидагича фикрларни билдиради: «Адабиётда асарнинг тарбиявий аҳамияти ва эстетик завқ бериши каби тушунчалар мавжуд. Асарга қўйиладиган ушбу аҳамиятли вазифаларни бадиийлигидан излаш зарур. Бадиий жиҳатдан яхши ёзилган асар қизиқувчанлик билан ўқилади, инсоннинг ички туйғуларини қўршаб олади. Бадиийлик ҳақида сўз қилганда, шоирнинг образларни яратишдаги хусусиятлари, композиция тузиши, тасвирий воситалардан фойдаланиши каби компонентларни сўз қиламиз.» [2.124]

Ҳақиқатдан ҳам шоир Т. Жумамуратов бадиий сўз яратишда, айниқса, бадиий образ, хотин-қизлар образини, ботирлар образини яратишнинг устаси деб қўрсатиш жоиздир. «Оташин кунларда» поэмасида жанговар қорақалпоқ йигити Аябнинг рус қизи Мария билан муҳаббати ҳам теран ифодаланган. Мариянинг Аябга бўлган муҳаббат туйғулари, инсонийлиги очиб берилган. У Аябнинг қўйидаги мазмундаги туши орқали баён қилинган:

Шу пайтда Мария келди:
«Уруш тамом, қидирайлик,
Алёша – жон юрчи, -деди.
Театрга тез барайлик».

Икки очик қатарлашиб.
Ярашади йўришлари,
Дўст - яранлар учрашиб
Соғинчда кўрисади. [1.100]

Аябнинг туш кўриши мотиви орқали йигит ҳаёлида Мариянинг ҳуснини тасвирлаш билан шоир қўйидагича лирик чекиниш қилади:

Бошлаб эдим шу жойдан,
Достонимнинг бошламасини,
Хафа қиз Мария деген,
Оқизганин кўздан яшини.

Билсанг эгар Марияни,

Бир қадрли жонни кутган,

Аяб - ку шу кутган жони.

Душман ушлаб олиб кетган. [1.103]

Сюжет линиясидаги воқеалар тизмаси Аябнинг, рус қизи Мариянинг самимий кўриниши, ички дунёсини ифодалашга бағишлаб, поэма хулосаси эпилогда шоир ўзи баёнлаётган қорақалпоқнинг ботир йигити Аяб билан рус қизи Мариянинг бошидан кечган воқеаларини МДУ студенти Мариянинг дўғонаси Кларадан эшитганлигини, ўни асар қилиб қоғозга туширганлигини айтади:

«Исми- шарифини сўриштирак сулувнинг,

Талабаси бўлиб очик МДУ нинг

Ёрқин кўзли, олма бўйин, қалам қош,

Эътироф қилсанг керак бировдан.» [1.126]

Ўз навбатида қорақалпоқ йигити Аяб ва Мариянинг кейинги ҳаётини қўйидагича айтиб ўтади:

Аяб билан ёр дўст эдик аввалдан,

Хабарим йўқ лекин бунақа сиридан,,

Павел билан Кларалар таърифлаб,

Шўндан кейин ўрин олди кўнглимдан.

Аяб айтди фақатгина бориб келганини,

Кўрган эдим кўксингда кўп орденини,

Мен биламан Мария билан қўшилиб,

Янги ерни барпо этишда юрганини. [1.127]

Мария мартликда, ботирликда, сергакликда, йўлбарс йўраклида Аябдан қолишмайди. Поэмадаги иштирок этган персонажлар ҳам ўз мартлиги билан Аябнинг ҳаракатларини, ботирлигини, дев йўраклигини Она Ватагга садоқатини ҳали ҳам аниқроқ англаш учун ҳаракатлари айқин сезилиб туради. Унда командир Ермаковнинг мардлигии, Аябни қутқариш учун ёзган буйруғи қўйидаги тасвирланган:

Хизмат қилган халқи учун,

Қўшберганов Аяб ботир,

Жони совға қутқарилсин.

Биздан умид кутибётган.

Қўшберган Аябнинг биз,
Ризо бўлдик мардлигига,
Қутқарайлик юбарингиз,
Мен бораман бирлигига! [1.106]

Поэмада рус йигити, жанговарлар Павел ва Иван, ўзбек фарзанди Адҳам, қозоқ йигити Ғолимжон – чин маънодаги мард, жасурлар сифатида ифодаланади.

Хулоса қилиб айтганда, Т. Жумамуратов бадиий образ яратишда бири иккинчисини такрорламайдиган оригиналликга, бошқа шоирлар ижодидан фарқли, ўз услубига эга эканлиги билан ажралиб туради. Шоир ижоди, бадиий асарлари ҳали ҳам теран тадқиқ қилиниги зарур.

Адабиётлар

1. Жумамуратов Т. Шығармалар жыйнағының 3 томлығы. II том. - Нөкис, «Қарақалпақстан», 1980.
2. Жумамуратова М. Сөз маржанын дизгенлер. - Нөкис, «Қарақалпақстан», 1994.